

## ТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ

Саидов Муҳаммадхон Саидали ўғли

Бойсун тумани ИИБ ТҚХ ТҚКГ тезкор вакили.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18464626>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида назарда тутилган терроризм жиноятининг жиноий-ҳуқуқий мазмуни ҳар томонлама таҳлил қилинган. Хусусан, терроризм жиноятининг тушунчаси, ижтимоий хавфлилиги, объекти, объектив ва субъектив томонлари, жиноят субъекти ҳамда жазо тайинлаш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, терроризм жиноятини бошқа ўхшаш жиноят таркибларидан фарқлаш, жиноятни тўғри квалификация қилиш ҳамда терроризмга қарши курашда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг аҳамияти асослаб берилган. Мақолада миллий қонунчилик нормалари таҳлили орқали терроризм жиноятига нисбатан давлатнинг қатъий ва муросасиз жиноят-ҳуқуқий сиёсати очиб берилган.

**Калим сўзлар:** терроризм, жиноят таркиби, жамоат хавфсизлиги, жиноий жавобгарлик, жиноятни квалификация қилиш, махсус мақсад, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.

**Аннотация.** В статье проведён комплексный уголовно-правовой анализ преступления терроризма, предусмотренного статьёй 155 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Рассмотрены понятие терроризма, его общественная опасность, объект и объективная сторона преступления, субъект и субъективная сторона, а также вопросы дифференциации наказания. Особое внимание уделено проблемам квалификации террористических деяний и разграничению терроризма от смежных составов преступлений. Также раскрыта правовая сущность института освобождения от уголовной ответственности лиц, содействовавших предотвращению террористических актов. Сделан вывод о том, что нормы статьи 155 УК РУз отражают жёсткую и последовательную уголовно-правовую политику государства в сфере противодействия терроризму.

**Ключевые слова:** терроризм, состав преступления, общественная безопасность, уголовная ответственность, квалификация преступлений, специальная цель, Уголовный кодекс Республики Узбекистан.

**Abstract.** This article provides a comprehensive criminal law analysis of the crime of terrorism as defined in Article 155 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The study examines the concept of terrorism, its social danger, the object and objective elements of the crime, the subject and subjective elements, as well as issues of punishment differentiation. Special attention is paid to the legal qualification of terrorist acts and their distinction from related criminal offenses. The article also analyzes the legal institution of exemption from criminal liability for individuals who actively contribute to preventing terrorist acts. The research concludes that Article 155 reflects the state's strict and uncompromising criminal policy in combating terrorism.

**Keywords:** *terrorism, corpus delicti, public security, criminal liability, crime qualification, special intent, Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.*

Бугунги тез фурсатдаги глобаллашув шароитида терроризм жамият ва давлат хавфсизлигига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, тинчлик ҳамда барқарорликка жиддий таҳдид солувчи энг хавфли ижтимоий-сиёсий жиноятлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Терроризм нафақат муайян давлат ёки ҳудуд доирасида, балки халқаро миқёсда хавф туғдириб, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласини умуминсоний муаммога айлантирди. Шу боис терроризм жиноятини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш, унинг жиноий-ҳуқуқий белгиларини аниқ белгилаб олиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам терроризмга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда терроризмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, шунингдек, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризм жинояти учун жавобгарлик белгиланиб, мазкур жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари, жиноят объекти ҳамда субъектига хос белгилар ифодаланган.

Терроризм жиноятининг жиноий-ҳуқуқий белгиларини чуқур таҳлил қилиш орқали уни бошқа ўхшаш жиноят таркибларидан фарқлаш, жиноятни тўғри квалификация қилиш ҳамда қонунни тўғри қўллаш имкони яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризм жиноятига ҳуқуқий таъриф берилган бўлиб, унда мазкур жиноятнинг асосий мақсадлари, усуллари ва ижтимоий хавфли хусусияти аниқ ифодаланган. Қонун чиқарувчи терроризмни нафақат жисмоний шахсларга, балки давлат ва жамиятнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ҳамда халқаро хавфсизликка қаратилган ўта оғир жиноят сифатида баҳолайди.

Мазкур моддага мувофиқ, терроризм - бу муайян сиёсий, ижтимоий ёки бошқа мақсадларга эришиш йўлида аҳолини қўрқитиш, давлат органлари ёки халқаро ташкилотларга босим ўтказиш, уларни муайян ҳаракатни амалга оширишга ёки ундан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, қуч ишлатиш ёки шундай хавф туғдирувчи ҳаракатларни содир этиш (ёхуд таҳдид қилиш)дан иборат жиноятдир.

Терроризм жиноятининг ижтимоий хавфлилиги уни тўшунарли ҳуқуқий манфаатларнинг кенг доирасини - инсон ҳаёти ва соғлиғи, жамоат хавфсизлиги, давлат ҳокимиятининг барқарор фаолияти, тинчлик ва хавфсизликни - бир вақтнинг ўзида таҳдид остига қўйиши билан изоҳланади.

Терроризм жиноятининг бевосита объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ҳисобланади. Бироқ мазкур жиноят кўп объектли жиноят бўлиб, қўшимча объект сифатида:

- инсон ҳаёти ва соғлиғи;
- давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги;

- давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолияти;
- халқаро тинчлик ва хавфсизлик каби ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Айниқса, терроризмнинг халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, уруш ва қуролли можаролар чиқаришга қаратилганлиги уни халқаро жиноят хусусиятига яқинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддасида терроризм жиноятининг объектив томони қуйидаги ҳаракатлар орқали ифодаланади:

- зўрлик ишлатиш;
- куч қўллаш;
- шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар;
- ушбу ҳаракатларни амалга ошириш билан таҳдид қилиш.

Мазкур ҳаракатлар қонун чиқарувчи томонидан формал таркиб сифатида баҳоланади, яъни жиноят муайян оғир оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар, қонунга зид ҳаракатнинг ўзи билан тугалланган деб ҳисобланади. Бироқ учинчи қисмда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида одам ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқиши назарда тутилган.

Терроризм жиноятининг субъекти - жиноят содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Мазкур моддада махсус субъект талаби белгиланмаган, бироқ иккинчи қисмда назарда тутилган ҳолатларда жабрланувчининг давлат ёки жамоат арбоби эканлиги жиноят таркибини квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Терроризм жинояти фақат тўғридан-тўғри қасд билан содир этилади. Субъектив томоннинг мажбурий белгиси — махсус мақсад бўлиб, у қуйидагиларда ифодаланади:

- аҳолини кўрқитиш;
- давлат органлари ёки халқаро ташкилотларга таъсир кўрсатиш;
- сиёсий ёки ижтимоий вазиятни беқарорлаштириш;
- қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилиш ёки таъсир кўрсатиш.

Агар зўрлик ҳаракатлари ушбу мақсадларсиз содир этилган бўлса, қилмиш терроризм сифатида эмас, балки бошқа жиноят таркиблари (масалан, қасддан одам ўлдириш, безорилик) доирасида баҳоланиши лозим.

ЖК 155-моддасида жазо дифференциацияси қатъий тарзда белгиланган:

- асосий таркиб учун — 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш;
- давлат ёки жамоат арбобига тажовуз қилиш учун — 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш;
- одам ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда — 15 йилдан 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Бу терроризм жиноятига нисбатан давлатнинг мурасасиз жиноят-ҳуқуқий сиёсатини ифодалайди.

Ушбу модданинг сўнгги қисмида терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти назарда тутилган. Бунда қуйидаги шартлар мажбурий ҳисобланади:

шаҳс ҳокимият органларига ўз вақтида хабар берган бўлиши;  
оғир оқибатлар ва террорчилик мақсадларининг амалга оширилишини олдини олишга фаол кўмаклашган бўлиши;

ҳаракатларда жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаслиги.

Бу норма профилактик аҳамиятга эга бўлиб, терроризмга қарши курашда фуқароларни ҳамкорликка ундашга қаратилган.

Жиноят кодексининг 155-моддаси терроризм жиноятининг тўлиқ ва мукаммал жиной-ҳуқуқий моделини белгилаб, уни аниқ квалификация қилиш, жазони адолатли тайинлаш ҳамда терроризмнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни.
5. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. — Т.: TDYUY нашриёти, 2022.